доступ общественности на мероприятия, проводимые Французским альянсом Ташкента.

Статья 7

Споры, возникающие в связи с толкованием или применением положений настоящего Соглашения, будут решаться Сторонами путем консультаций и переговоров.

Статья 8

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение в любое время могут быть внесены изменения и дополнения, в письменной форме, передаваемые по дипломатическим каналам. Эти изменения вступают в силу с даты, определенной Сторонами, и являются неотъемлемой частью настоящего Соглашения.

Статья 9

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты подписания и действует до тех пор, пока одна из Сторон не уведомит в письменной форме другую Сторону по дипломатическим каналам не позднее чем за шесть (6) месяцев о своем намерении прекратить его действие.

Прекращение действия настоящего Соглашения не будет влиять на продолжение действия текущих программ или проектов, которые были начаты в рамках реализации настоящего Соглашения и не завершены до прекращения его действия.

Совершено в городе Париж 7 ноября 2014 года в трех экземплярах на узбекском, французском и русском языках, при чем все тексты имеют одинаковую силу.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Франция
Республикаси Ҳукумати ўртасида соғлиқни сақлаш ва
тиббий фанлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ***

2014 йил 7 ноябрь, Париж

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Франция Республикаси Ҳукумати, кейинги ўрнларда «Томонлар» деб аталувчилар, соғлиқни сақлаш ва тиббий фанлар соҳасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истагида, ҳар икки мамлакат аҳолиси соғлиғини яхшилаш ва мустаҳкамлаш мақсадида,

ҳалқаро ҳуқуқ тамойилларига таяниб,
ҳар иккала мамлакат қонунчилигига риоя қилган ҳолда,
қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Битимнинг мақсади

Ушбу Битим Ўзбекистон ва Франция ўртасида соғлиқни сақлаш ва тиббий фанлар соҳасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратишга қаратилган.

2-модда

Ҳамкорлик соҳаси

Томонлар юқумли (касалхона ички инфекциялари ва ОИВ/ОИТС каби) касалликларнинг олдини олиш, уларни назорат қилиш ва эпидемиологик назорат соҳасида ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар ўзаро келишувга асосан, бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишлари мумкин.

3-модда

Ҳамкорлик шакллари

Ушбу Битим мақсадларига мувофиқ Томонлар ўртасида ҳамкорлик қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- ахборот ва ҳужжатлар алмашиш;
- экспертлар даражасида маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш;
- умумий манфаатларни кўзловчи лойиҳалар, хусусан, касалхоналар ўртасида ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш;
- Томонлар ўзаро келишган бошқа ҳамкорлик шакллари.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

4-модда

Битимни ижро этиш

Битимда назарда тutilган ҳамкорлик доирасида Томонлар ёзишмалар ёки икки томонлама учрашувлар орқали келишиладиган ҳамда ўзаро қизиқиш уйғотадиган тадбирларни ташкил қиладилар.

Мазкур тадбирларнинг мақсади, ўтказилиш санаси, моддий ва техник масалалари Томонлар ўртасида олдиндан келишилади.

Томонлар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мазкур тадбирлар харажатларини ўзаро келишув асосида тақсимлаб олишлари мумкин.

5-модда

Маълумот махфийлигини таъминлаш

Томонлар ушбу Битим доирасида бир-бирларидан олган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайдилар. Жамоатчилик учун очиқ бўлган маълумотлар бундан мустасно.

Томонлар ушбу Битим доирасида алмашилган маълумотлардан фақат кўрсатилган мақсадлардагина фойдаланадилар.

Ҳар бир томон ушбу Битимнинг амал қилиш муддати давомида ёки унинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг бошқа Томон фаолияти тўғрисидаги маълумотни ошкор қилмаслик мажбуриятини олади, бошқа Томоннинг расмий розилиги олинган ҳолатлар бундан мустасно.

6-модда

Яқуний қоидалар

Ушбу Битим беш йил муддатга тузилади ва мазкур муддат тугаганидан сўнг унинг амал қилиш муддати ўз-ўзидан бир йиллик муддатларга узаяверади.

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра ушбу Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ҳамда алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллаш билан боғлиқ бўлган барча низолар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилади.

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим Томонлардан бири унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилгунига қадар амал қиладди. Бу ҳолда ушбу Битим иккинчи Томон шундай хабарнома олганидан сўнг олти кун ўтгач амал қилишини тўхтатади.

Париж шаҳрида 2014 йил 7 ноябрда икки асл нусхада ўзбек ва француз тилларида тузилди, бунда иккала матн бир хил кучга эга.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан
Озарбайжон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ўртасида
давлат чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларининг
ўтиши ҳақида олдиндан бериладиган ахборотни алмашишни
ташkil этиш тўғрисида
ПРОТОКОЛ***

2014 йил 14 октябрь, Боку

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Озарбайжон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (бундан кейин — Томонлар),

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида 1996 йил 27 майда имзоланган божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Битимга амал қилган ҳолда,

ўз давлатларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, Томонларнинг божхона хизмати органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга интилиб,

Томонларнинг давлат чегаралари (бундан кейин — чегаралар) орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситалари устидан божхона назорати самарадорлигини ошириш заруратини тан олиб,

Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасидаги савдога кўмаклашиш учун шароит яратиш мақсадида,

Томонларнинг миллий қонунчилиги нормалари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Бутунжаҳон божхона ташкилотининг тавсия ва стандартлари ҳамда ахборот алмашинувининг халқаро тажрибасига амал қилган ҳолда,

Томонларнинг давлат ҳудудларидаги чегара божхона органлари орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви жараёнларини тезлаштириш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар, бир Томон ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётган ва бошқа Томон ҳудудига олиб кириш учун мўлжалланган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви тўғрисидаги маълумотларини (келгусида — олдиндан бериладиган ахборот) улар бошқа Томон давлат чегарасини кесиб ўтишидан аввал, шунингдек бошқа Томон ҳудудидан олиб кирилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни (келгусида — олиб кириш тўғрисидаги маълумот) мунтазам равишда электрон ахборот алмашишни ташкиллаштирадилар ва амалга оширадилар.

Томонлар олдиндан бериладиган ахборот ва олиб кириш тўғрисидаги маълумотлардан савдони енгиллаштириш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида фойдаланадилар.

* 2014 йил 20 ноябрдан кучга кирган.

Ахборот алмашиш Томонларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

2-модда

Томонлар олдиндан бериладиган ахборот ва олиб кириш тўғрисидаги маълумотлардан таҳлил қилиш ва хавфни бошқариш усулларини қўллаш асосида, чегара орқали олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситаларининг устидан божхона назоратини амалга оширишда фойдаланишни таъминлайдилар.

3-модда

Мазкур Протокол Низомига мувофиқ, бир Томон бошқа Томондан олган олдиндан бериладиган ахборот ва олиб кириш тўғрисидаги маълумотлар фақатгина божхона мақсадларида фойдаланиш хусусиятига эга бўлиб, тақдим этган Томоннинг ёзма розилигисиз учинчи Томонга берилиши мумкин эмас, Томонлар давлатлари қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Томонлар мазкур Протокол доирасида олинган ахборотлар махфийлигини ўз давлатлари қонунчилигида белгиланган тартибда таъминлайдилар.

4-модда

Божхона соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатлари аниқланганда Томонлар ўз миллий қонунчилигида белгиланган тартибда чора кўрадилар.

Томонлар чегара орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши ҳақида олдиндан бериладиган ахборот ва олиб кириш тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви натижасида олинган маълумотлар номувофиқлиги аниқланган ҳар қандай ҳолатлар тўғрисида бир-бирларига хабар берадилар.

5-модда

Томонлар қуйидагиларни амалга ошириш мажбуриятини оладилар:

- олдиндан бериладиган ахборот ва олиб кириш тўғрисидаги маълумотлар алмашиш бўйича техник шартларни ишлаб чиқиш ва келишиш;
- олдиндан бериладиган ахборот ва олиб кириш тўғрисидаги маълумотлар алмашишнинг технологик жараёни ва маълумотлар тузилишини аниқлаш;
- зарур классификаторларни ишлаб чиқиш ва келишиш;
- алмашилаётган ахборотнинг ҳимоясини таъминлаш чораларини келишиш;
- олдиндан бериладиган ахборот ва олиб кириш тўғрисидаги маълумотларни муайян партиядagi товарларга боғлаш мақсадида, товар ва транспорт воситаларини идентификациялаш усулларини келишиш.

6-модда

Мазкур Протоколнинг 1-моддаси талабларига мувофиқ, олдиндан бериладиган ахборот ва олиб кириш тўғрисидаги маълумотларни алмашиш тех-

нологиясини ишлаб чиқиш учун Томонлар олдиндан ахборот алмашиш бўйича эксперимент ташкил этадилар ва амалга оширадилар.

Томонлар, мазкур Протокол имзоланган кундан бошлаб, олти ой мобайнида ушбу Протоколнинг 5-моддасини амалга оширилишини таъминлайдилар ва зарур чора-тадбирларни амалга ошириш муддатларини келишадилар.

Техник масалалар келишилгандан сўнг Томонлар олдиндан бериладиган ахборот ва олиб кириш тўғрисидаги маълумотлар билан боғлиқ зарур ташкилий тадбирларни амалга оширадилар ва эксперимент бошлашга тайёр эканликлари ҳақида бир-бирларини ёзма хабардор қиладилар.

7-модда

Ўтказилган эксперимент натижалари асосида, Томонлар олдиндан бериладиган ахборот ва олиб кириш тўғрисидаги маълумотларни алмашишни доимий равишда ташкил этишнинг бошланғич муддатлари тўғрисида қарор қабул қиладилар ва ушбу қарорлар ҳақида бир-бирларини ёзма хабардор қиладилар.

8-модда

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, мазкур Протоколга, унинг ажралмас қисми ҳисобланган алоҳида протоколлар билан расмийлаштирилдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ва мазкур Протоколнинг 11-моддасига мувофиқ кучга кириши мумкин.

9-модда

Мазкур Протоколни талқин қилиш ва қўллашда юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

10-модда

Ушбу Протокол қоидалари Томонларнинг улар давлатлари иштирок этган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

11-модда

Ушбу Протокол Озарбайжон Томонидан унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисидаги хабарнома ўзбек Томонидан дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Протокол беш йил давомида амал қилади. Ушбу муддат тугагач, агар Томонларнинг ҳар бири навбатдаги муддат тугашидан камида 6 ой олдин мазкур Протокол амалини тугатиш нияти борлиги тўғрисида бошқа Томонга дипломатик каналлар орқали ёзма хабарнома юбормаса, у ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатларга узаяверади.

Боку шахрида 2014 йил 14 октябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, озарбайжон ва рус тилларида тузилди, бунда матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Протокол қоидаларини талқин этиш мақсадида рус тилидаги матн қўлланилади.

(имзолар)

ПРОТОКОЛ*

между Государственным таможенным комитетом Республики Узбекистан и Государственным таможенным комитетом Азербайджанской Республики об организации обмена предварительной информацией о товарах и транспортных средствах, перемещаемых через государственную границу

Баку, 14 октября 2014 года

Государственный таможенный комитет Республики Узбекистан и Государственный таможенный комитет Азербайджанской Республики (далее — Стороны),

руководствуясь Соглашением между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Азербайджанской Республики о сотрудничестве и взаимопомощи в таможенных делах от 27 мая 1996 года,

стремясь обеспечить взаимодействие между таможенными органами государств Сторон в целях защиты экономических интересов своих государств,

признавая необходимость повышения эффективности таможенного контроля товаров и транспортных средств, перемещаемых через государственные границы государств Сторон (далее — границы),

в целях обеспечения условий для содействия торговли между Республикой Узбекистан и Азербайджанской Республикой,

руководствуясь нормами национального законодательства государств Сторон, стандартами и рекомендациями Организации Объединенных Наций, Всемирной Таможенной Организации, а также международной практикой информационного обмена,

с целью ускорения процедур таможенного оформления товаров и транспортных средств, перемещаемых через границу, как в местах их ввоза, так и в таможенных органах назначения на территориях государств Сторон,

* Вступил в силу 20 ноября 2014 года.

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны организуют и осуществляют на постоянной основе электронный обмен информацией, полученной ими при регистрации товаров и транспортных средств на государственной границе, вывозимых с территории государства одной Стороны, если пункт назначения находится на территории государства другой Стороны (далее — предварительная информация) и сведениями, полученными другой Стороной при ввозе товаров и транспортных средств на территорию государства этой Стороны (далее — сведения о ввозе).

Предварительная информация и сведения о ввозе будут использоваться Сторонами с целью повышения безопасности и облегчения торговли.

Обмен информацией будет осуществляться Сторонами в пределах их компетенции и в соответствии с национальным законодательством государств Сторон.

Статья 2

Стороны обеспечивают использование предварительной информации и сведения о ввозе на основе применения методов анализа и управления рисками при осуществлении таможенного контроля товаров и транспортных средств, перемещаемых через границы.

Статья 3

Предварительная информация и сведения о ввозе, полученные Сторонами в соответствии с положениями настоящего Протокола, могут использоваться исключительно в таможенных целях и не может передаваться иным лицам без письменного согласия Стороны, передавшей информацию, за исключением случаев передачи информации в государственные органы в соответствии с национальным законодательством государств Сторон.

Стороны обеспечивают конфиденциальность полученной информации в соответствии с национальным законодательством государств Сторон.

Статья 4

При выявлении нарушений национального законодательства государств Сторон в таможенной сфере Стороны принимают меры в соответствии с национальным законодательством их государств.

Стороны могут информировать друг друга о несоответствии или недостоверности сведений, полученных в результате обмена предварительной информацией о перемещаемых через границы товарах и транспортных средствах.

Статья 5

Стороны обязуются осуществить:

- разработку и согласование технических условий по обмену предварительной информацией и сведениями о ввозе;
- определение структуры данных и технологии процесса обмена предварительной информацией и сведениями о ввозе;
- разработку и согласование необходимых классификаторов;
- согласование мер по защите передаваемой информации;
- согласование способов идентификации товаров и транспортных средств в целях привязки предварительной информации и сведений о ввозе к конкретной партии товаров.

Статья 6

В целях реализации статьи 1 настоящего Протокола Стороны для отработки технологии обмена предварительной информацией и сведений о ввозе будут организовывать и осуществлять эксперимент по обмену предварительной информацией.

Стороны, в течение шести месяцев со дня подписания настоящего Протокола, обеспечивают реализацию Статьи 5 настоящего Протокола, а также согласуют сроки выполнения необходимых мероприятий.

По согласованию технических вопросов, Стороны проводят необходимые организационные мероприятия, связанные с обменом предварительной информацией и сведений о ввозе и письменно уведомляют друг друга о готовности к началу эксперимента.

Статья 7

По результатам проведенного эксперимента Стороны принимают решение о сроках начала обмена предварительной информацией и сведениями о ввозе на постоянной основе и письменно уведомляют друг друга о принятом решении.

Статья 8

По взаимному согласию Сторон в настоящий Протокол могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися его неотъемлемой частью и вступающими в силу в порядке, установленном Статьей 11 настоящего Протокола.

Статья 9

Споры, возникающие при толковании и выполнении положений настоящего Протокола, будут решаться Сторонами путем проведения консультаций и переговоров.

Статья 10

Положения настоящего Протокола не затрагивают прав и обязательств Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых являются государства Сторон.

Статья 11

Настоящий Протокол вступает в силу с даты получения узбекской стороной по дипломатическим каналам уведомления о выполнении азербайджанской стороной внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящий Протокол действует в течение пяти лет. По истечении данного срока действие Протокола автоматически продлевается на последующие пятилетние периоды, в случае если одна из Сторон не заявит в письменной форме через дипломатические каналы о своем желании прекратить его действие не позднее, чем за шесть месяцев до истечения очередного периода его действия.

Совершено в г. Баку 14 октября 2014 г. в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, азербайджанском и русском языках, причем все тексты равно аутентичны.

В случае различного толкования положений настоящего Протокола будет использоваться текст на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан
Швейцария Конфедерацияси Ташқи ишлар федерал
департаменти ўртасида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

2014 йил 21 ноябрь, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Швейцария Конфедерацияси Ташқи ишлар федерал департаменти, бундан кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг мақсад ва принципларига асосланган дўстона муносабатлар ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш истагида,

ўзаро ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган икки томонлама мулоқотни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга интилиб,

ўзаро манфаатли масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар олиб бориш учун самарали механизмлар яратиш муҳимлигини инобатга олиб,

қуйидагилар тўғрисида англашувга эришдилар:

1-модда

Томонлар икки томонлама муносабатлар ҳамда халқаро ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли масалалари юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Хусусан, қуйидаги масалалар маслаҳатлашувларнинг устувор йўналишлари бўлиши мумкин:

а) ўзаро қизиқиш уйғотадиган халқаро муносабатларнинг глобал ва минтақавий масалалари;

б) халқаро ташкилотлар, тузилмалар ва форумлар, хусусан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида позицияларини ўзаро келишиш ва қўллаб-қувватлаш;

в) сиёсат, иқтисод, маданият, таълим, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш;

г) икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга йўналтирилган шартномавий-ҳуқуқий базани кенгайтириш, амалдаги икки томонлама битимларнинг бажарилишини таъминлаш;

д) ўзаро манфаатли бошқа масалалар.

2-модда

Томонлар ўзаро ташрифлар орқали алоқаларни мустаҳкамлашга қўмаклашиш, тажриба ва фикр алмашиш учун кулай шароитлар яратадилар.

Лозим бўлганда Томонлар шошилиш масалалар бўйича «ad hoc» (махсус) учрашувлар ўтказадилар.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

3-модда

Агарда бошқача келишувга эришилмаса, Томонлар мунтазам тарзда навбат билан Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария Конфедерациясида ёки халқаро ташкилотлар доирасида ўтказиладиган йиғилишлар давомида учрашиб турадилар.

4-модда

Музокаралар Томонларнинг Ташқи ишлар вазирлари, уларнинг ўринбосарлари ёки бошқарма бошлиқлари раислигида ўтказилиши мумкин.

Музокаралар муддати, жойи ва кун тартиби олдиндан дипломатик каналлар орқали белгиланади.

5-модда

Мазкур Меморандум Томонларга бирон бир юридик мажбурият юкламайди.

Мазкур Меморандум имзоланган кундан кучга киради.

Мазкур Меморандум номуайян муддатга тузилади ва унинг амал қилиши Томонлардан бири бошқа Томонни ушбу Меморандумни бекор қилиш истаги тўғрисида имкон қадар ёзма шаклда дипломатик каналлар орқали хабардор қилгандан бошлаб бир ой ўтгач ўз кучини йўқотади.

Тошкент шаҳрида 2014 йил 21 ноябрь куни икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида имзоланди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон
Республикаси Ҳукумати ўртасида саноат мулкани муҳофаза
қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида 1997 йил 2 июнда
имзоланган Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақида
БАЁННОМА***

2014 йил 25 ноябрь, Остона

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида саноат мулкани муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида 1997 йил 2 июнда имзоланган Битимга амал қилган ҳолда (кейинги ўринларда — Битим),

ихтиро, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа саноат мулки объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида ўзаро манфаатдорлик ва тенглик асосида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича Битимга ўзгартишлар киритиш истагида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

4-моддада:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«икки давлат талабнома топширувчиларига миллий муҳофаза ҳужжатларини беришга талабномаларни расмийлаштириш билан бир қаторда ихтирога нисбатан собиқ СССР муаллифлик гувоҳномаларини ва саноат намуналарига нисбатан собиқ СССР гувоҳномаларини уларнинг қолган амал қилиш муддати учун миллий муҳофаза ҳужжатларига ўзгартириш бўйича илтимоснома бериш ҳуқуқини тақдим қилиш.»

2-модда

7-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Муҳофаза ҳужжатларини бериш учун талабнома топширишда, муҳофаза ҳужжатларини олиш ва уларни кучда сақлаб туришда икки давлат талабнома топширувчилари тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ иш юритишлари лозим.»

3-модда

11 -модданинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикасида — Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги;

* Имзоланган кундан кучга кирган.

Қозоғистон Республикасида — Қозоғистон Республикаси Адлия Вазирлиги.».

4-модда

Ушбу Баённома Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва Битимнинг 15-моддасида назарда тутилган тартибда кучга киради.

Ушбу Баённома Битим амал қилиши тугагунга қадар амал қилади.

Остона шаҳрида 2014 йил 25 ноябрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, козоқ ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг кучга эга.

Ушбу Баённома қоидаларини шарҳлашда ихтилофлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

(имзолар)

ПРОТОКОЛ*

о внесении изменений в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о сотрудничестве в области охраны промышленной собственности от 2 июня 1997 года

Астана 25 ноября 2014 года

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Казахстан, именуемые в дальнейшем Сторонами,

руководствуясь Соглашением между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о сотрудничестве в области охраны промышленной собственности от 2 июня 1997 года (далее — Соглашение),

желая внести изменения в Соглашение по вопросам сотрудничества в области охраны и использования прав на изобретения, промышленные образцы, товарные знаки и другие объекты промышленной собственности на основе взаимной выгоды и равенства,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

В статье 4:

абзац третий исключить;

* Вступил в силу со дня подписания.

абзац пятый изложить в следующей редакции:

«предоставление заявителям обоих государств наряду с оформлением заявок на выдачу национальных охранных документов права подавать ходатайства на преобразование авторских свидетельств бывшего СССР на изобретения и свидетельств бывшего СССР на промышленные образцы в национальные охранные документы на оставшийся срок их действия.».

Статья 2

Статью 7 изложить в следующей редакции:

«При подаче заявок на выдачу охранных документов, получении охранных документов и поддержании их в силе заявители обоих государств обязаны вести дела в соответствии с законодательством соответствующего государства.».

Статья 3

Абзацы второй и третий статьи 11 изложить в следующей редакции:
«в Республике Узбекистан — Агентство по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан;

в Республике Казахстан — Министерство юстиции Республики Казахстан.».

Статья 4

Настоящий Протокол является неотъемлемой частью Соглашения и вступает в силу в порядке, предусмотренном статьей 15 Соглашения.

Настоящий Протокол действует до прекращения действия Соглашения.

Совершено в городе Астана 25 ноября 2014 года в двух экземплярах каждый на узбекском, казахском и русском языках, при этом все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения разногласий при толковании положений настоящего Протокола Стороны обращаются к тексту на русском языке.

(подписи)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 4 (44)-сон, 2014. — 32 б.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2015 й.

Таҳрир кенгаши:
*М.М. Икромов, Д.З. Хакимов,
М. Азимов, Д.А. Ибрагимова*

Таҳририят манзили:
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 100047,
Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.
Тел.: 233-73-28, 236-73-98.

Нашрга тайёрлаганлар:
Ф.Ш. Тожиев, Ж.Ф. Сирожев, М.А. Мираков
Компьютерда саҳифаловчи: *Ш.Ш. Қурбонбоев*
Мусахҳихлар: *Д.Д. Дўстжонова, С.В. Артикова*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёти.
100192, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.
Обуна масалалари бўйича тел./ф.: +99871 268-28-45, +99890 936-73-93.

Босишга рухсат этилди 12.03.2015. Бичими 70x108^{1/16}.
Ҳажми 2,0 б.т. Адади 1698 нусха, буюртма — 150.

Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди,
100128, Тошкент ш., Шайхонтохур кўчаси, 86-уй.